

ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ҚОРИШИҚ ҲОЛ ЭРГАШ ГАПЛИ
ҚЎШМА ГАПЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**Усмонова Мехрикамом Одилжоновна***Андижон давлат чет тиллари институти
амалий фанлар кафедраси ўқитувчиси*

Аннотция: Ушбу мақолада инглиз тили ва ўзбек тилида қоришиқ ҳол эргаш гапларга мисоллар ва олимларнинг ушбу мавзуга оид айрим мулохазалари, таржима муаммолари ва тилларда таржима жараёнини осонлаштириш усуллари кўрсатиб ўтилган. Биламизки турли тизимдаги тиллардаги гапларда синкретизм ходисаси мавжуд бўлиб, ушбу мавзуга оид айрим мақола ва ишларни учратишимиз мумкин аммо бу мавзу ҳамон долзарб ва тўлиқ ўрганилмаган мавзулардан бири бўлиб ҳануз ўрганилиб келинмоқда.

Калит сўзлар: синкретизм, маъно қоришиши, полисемия, омонимия.

Abstract: *This article shows examples of mixed case sentences in English and Uzbek, as well as some opinions of scientists on this topic, translation problems and ways to facilitate the process of translation in languages. This topic is still relevant and one of the topics not studied has been fully studied.*

Key words: *syncretism, meaning mixing, polysemy, homonymy.*

Аннотация В данной статье показаны примеры смешанных падежных предложений в английском и узбекском языках, а так же некоторые мнения ученых по данной теме, проблемам перевода и способам облегчения процесса перевода в языках. Эта тема до сих пор актуальна и одна из тем не изученных полностью изучены.

Ключевые слова: синкретизм, смешение значений, полисемия, омонимия.

Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гапларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг қоришиқ ҳол эргаш гапли қўшма гаплар тури ҳақида ҳеч қандай маълумотларнинг йўқлигига гувоҳ бўламиз. Аммо бир қанча олимларнинг синкретизм мавзуси ҳақида маълум ишларни кўришимиз мумкин. Чунончи, мақола ва илмий ишларни, қуйида уларнинг таснифида қоришиқ ҳол эргаш гапли қўшма гаплар билан тўлдиришга ҳаракат қиламиз.

Кириш Тилшунослик тарихига назар ташлар эканмиз, қўшма гапларда маъно муносабатининг ўрганишга оид масалаларни учратишимиз мумкин. Чунончи Ғ.Абдурахмонов “Қўшма гап синтаксиси асослари” китобида (Т, 1958.174-бет) “бўлмаса” сўзининг кириш сўз ва маъно кучайтирувчи юклама вазифасида келиши мумкинлигини таъкидлаган. Ғ.Хошимов “Типология сложных предложений разносистемных языков” китобида қўшма гап семантикасини чуқур таҳлил этган ва қўшма гап боғланишида уларнинг 1 семантикаси 2 асемантиаси 3 моносемантикаси 4 полисемантикаси. 5 омонимияси 6 синонимияси 7 синкретизмлиги 8 антономик таҳлилларига тўхталиб ўтган. (Ташкент, Фан, 1991 68- бет) А.Нурмонов, Н.Махмудов,

А.Ахмедов, С.Солихўжаёваларнинг “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” китобида ҳам кўшма гап маъно муносабатининг таҳлиллари келтирилган. Бунда “бўлса” сўзи таҳлили келтирилган ва мазмун жihatдан изох маъно ва қиёс маънолар муносабатини ифодалашлигини таъкидлаган.(Ташкент. Фан. 1992. 192- бет)

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики нафақат инглиз тилида балки бошқа тилларда ҳам эргаш гапли кўшма гап айниқса хол эргаш гап таркибида маъноларнинг кўплиги яъни маъноларнинг қоришиб келишини кузатишимиз мумкин . Маълумки, бир грамматик маъно бир контекста битта грамматик шаклда намоён булади, биз ўрганаётган мавзуда эса битта гапда маъноларнинг қоришганлигини кўришимиз мумкин. Масалан:

Wendy and I were at once amused and embarrassed, but also concerned lest he be mown down by a passing train [Longman dictionary of contemporary English]

Ушбу гапни ўзбек тилига қуйидагича таржима қилишимиз мумкин

Уни келаётган поезд уриб кетмасин деб , Венди ва мен хаяжон ва хайратда ва айни уша пайтда хавотирда ҳам эдик.

He gripped his brother’s arm lest he be trampled by the mob[Oxford advanced learner’s dictionary app]

Ушбу гапни ўзбек тилига қуйидагича таржима қилишимиз мумкин

У оломан оёк ости қилмасин деб, акасининг кўлидан ушлаб олди.

They wouldn’t let their cat outside for fear (that) it would get run over. [Cambridge advanced learner’s dictionary]

Йуқолиб колмасин деб,улар мушугини ташкарига чиқаришмасди.

Ушбу гапни мазмуний жihatдан таҳлил қилганимизда ҳам гапда синкретик яъни кўш маънолик хусусияти бор эканлигини кўришимиз мумкин бу гаплар мақсад ва сабаб муносабатини ифодалайди

Инглиз тилидаги қоришиқ маъноли гапларни ўзбек тилига таржима қилишда айрим муаммоларга дуч келамиз қуйида ушбу муаммоларни яъни маъносига путур етказмасдан таржима қилиш усулларида намуналар берамиз. Масалан

“In case” боғловчиси орқали боғланган хол эргаш гапларда ҳам мақсад ҳам шарт маъноларини қоришишини кўришимиз мумкин.

The camping area has ready access to water, in case of fire. (Definition of lest from the Cambridge Advanced Learner's Dictionary & Thesaurus © Cambridge University Press)

Ёнғин бўлса деб , дам олиш майдонидаги сув фойдаланишга тайёр.

“Lest” ва for fear(that) ёки “ so” боғловчилари билан боғланган эргаш гапли кўшма гапларда ҳам мақсад, ҳам сабаб маъноларини ўзида қориштира олади

He was already worried lest she should tell some one what had happened. . [From Longman Dictionary of Contemporary English]

У нима содир бўлганлигини кимгадур айтиб қўймасин деб, аллақачон хавотирда эди.

She refuses to admit that she is the daughter for fear of disgracing her parents. . [From Longman Dictionary of Contemporary English]

У ота онасини шарманда бўлмасин деб, уларнинг қизи эканлигини тан олмади.

“So that “боғловчилари билан боғланган эргаш гапли кўшма гапларда ҳам мақсад , ҳам натижа маъноларини ўзида қориштира олади.

Eat it so that the point of the hook goes into your heart and kills you, he thought.

Шундай егинки, қармоқнинг илгаги нақ юрагинга бориб етсину , тил тортқизмай гумдон қилсин сени.

“Till” “until” боғловчилари билан боғланган эргаш гапли кўшма гапларда ҳам пайт, ҳам мақсад маъноларини ўзида қориштира олади.

“I’ll fight them until I die.” . [Asiaing.com4 Ernest Hemingway Old man and the sea 51]

“Мен токи ўлгунимча улар билан курашаман”

Демак юқоридаги гаплардан кўриниб турибдики, нафақат инглиз тилида балки бошқа тилларда ҳам эргаш гапли кўшма гапларнинг қоришиқ турини учратишимиз мумкин .Афсуски, ушбу мавзуга оид манбааларнинг йўқлиги сабабли таржима жараёнида гапларнинг қоришиқ маънолари йуқолиши ва таржимада мазмун кўламига путур етказиши мумкин. Ушбу муамоларни бартараф этиш учун гапни алохида бўлакларга ажратиб тахлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1 Абдурахмонов Ғ. Кўшма гаплар классификацияси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. — 1980. № 4. 2 Абдурахмонов Ғ. Кўшма гаплар классификацияси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. — 1980. № 4

3 Виноградов В. В. Основные вопросы синтаксиса предложения (на материале русского языка)//Исследования по русской грамматике. — М. 1975- С.154

4 Хошимов.Ғ . М. Типология сложных предложений разносистемных языков.- Т. «Фан», 1991-С.105

5 Nurmonov A. Tanlangan asarlar. -Toshkent “Akademnashr”, 2012. — В.288

6 Nurmonov A. Tanlangan asarlar. -Toshkent “Akademnashr”, II jild, 2012. — — В.422

7 Sayfullayeva R. Hozirgi o’zbek tilida qo’shma gaplarning substantsional (zotiy) talqini. — Toshkent. “Fan”, 2007.- В.19.

8 Longman Dictionary of Contemporary English APP

9 Cambridge Advanced Learner's Dictionary & Thesaurus © Cambridge University Press APP

10 Oxford dictionary APP

9. Damirovich, M. R., Ibragimovich, T. I., & Sattarovich, A. U. (2022). The Role Of Spiritual And Educational Events In Promoting The Ideas Of Religious Tolerance And International Health. Brazilian Journal of Implantology and Health Sciences, 4(5), 42-47.

10. Sattarovich, A. U. (2023). YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING ASOSIY TAMOILLARI. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 2(20), 232-234.

11. Abdusalomov, U. S., & Boltaboyev, A. (2020). GENERAL CHARACTERISTICS OF THE MILITARY COMMITTEES OF THE ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Экономика и социум, (12 (79)), 10-13.

12. Abdusalomov, U. S. (2023). DEFENDING THE MOTHERLAND IS THE OBLIGATION OF EVERY CHILD. THEORY OF SCIENTIFIC RESEARCHES OF WHOLE WORLD, 1(1), 6-9.

13. Sattarovich, A. U. (2022). We Should Follow the Example of Our Ancestors in Patriotism. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 6, 24-26.

14. Sattarovich, A. U. (2023). HARBIYLARNING KREATIV SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA TA'LIMNING AHAMIYATI. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 1(12), 96-100.

15. Sattarovich, A. U. B. (2022). «HARBIY-VATANPARVARLIK TARBIYASINING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI». Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 10(11), 90-97.

16. Абдусаломов, У. С. (2023). ЗАЩИЩАТЬ РОДИНУ-ОБЯЗАННОСТЬ КАЖДОГО РЕБЕНКА. MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS, 5(5), 13-17.